

Канаданинг Торонто шаҳрида Халқаро Қуръон мусобақаси бўлиб ўтади



21:00 / 10.06.2019 1373

Жорий йилнинг 29-31 август кунлари Канаданинг Торонто шаҳрида Халқаро Қуръон мусобақаси бўлиб ўтади. Бу ҳақда Event Bride ахборот сайти хабар беради. Дунёнинг турли мамлакатларидан қорилар ташриф буюриб, ушбу мусобақада иштирок этади.

Хабарда айтилишича, Абу Ҳурайра номидаги марказда ташкил этиладиган мусобақа учун жиддий тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Мусобақанинг олдинги мавсумида турли давлатлардан 16 та қори иштирок этган. Ғолибларга 90 минг АҚШ доллар миқдорида мукофот пули берилган.

Islom.uz портали таҳририяти